

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12.2019 ТАР.02.10 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРЗИЕВ МАҲМУД ЗАЙНИЕВИЧ**

**ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУХОРОДА  
БОСМАХОНА, НАШРИЁТ ВА МАТБУОТ ИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Орзиев Махмуд Зайниевич**

XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода босмахоначилик,  
нашриёт ва матбуот иши ..... 3

**Орзиев Махмуд Зайниевич**

Типографическое, издательское и печатное дело в Бухаре в конце XIX –  
первой четверти XX века..... 24

**Orziyev Makhmud Zayniyevich**

Printing, publishing and press in Bukhara at the end of the 19<sup>th</sup> – first quarter of the  
20<sup>th</sup> centuries..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019 ТАР.02.10 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРЗИЕВ МАҲМУД ЗАЙНИЕВИЧ**

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУХОРОДА  
БОСМАХОНА, НАШРИЁТ ВА МАТБУОТ ИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B20172.2.PhD/Tar123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.samdu.uz/>) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Хантов Шадмон Ахмадович  
тарих фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Шадманова Санобар Базарбаевна  
тарих фанлари доктори, профессор

Мингноров Абдухолик Тошмирзаевич  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражала берувчи РНД.03/30.12.2019.Тар.02.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «2» 12 соат 10 дақиқа даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15. Тел.: (+99866) 239-11-40; (+99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15-уй.Тел.: (+99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (+99866) 239-11-40)

Диссертация автореферати 2020 йил 18.11 кунни тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**М.М. Исҳоқов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

**Г.Б. Нормуродова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**И.М. Саидов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги глобаллашув шароитида дунёни ахборот бошқараётгани сир эмас. Турли давлатлар, халқлар ва цивилизациялараро муносабатлар энг аввало, оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилмоқда. XIX аср охири – XX аср бошларида барча Марказий Осиё хонликларида мавжуд матбуот нашрлари минтақалараро асосий ахборот алмашинув канали бўлиб, у ёки бу муҳим масалаларга оид фикрларни баён қилишнинг ягона имконияти саналган. Ҳозирги даврда тобора такомиллашиб бораётган ахборот ва алоқа технологияларининг ҳаётимизда ўрни ошиб бораётганига қарамасдан, фикрни эркин ифодалаш, очиқликни таъминлаш борасида матбуот нашрлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу жиҳатдан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан томонидан 1993 йил 3 май “Умумжаҳон матбуот эркинлиги куни” сифатида жорий этилиши бу йўлдаги амалий кадам саналади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиё минтақасида кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг “жарчиси” сифатида миллий матбуот нашрлар муҳим роль ўйнаган. Матбуот органларининг ғоявий, маънавий ва маданий жиҳатдан воситачилиги нафақат минтақа, балки минтақалараро халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шу нуқтаи назардан, жаҳон миқёсида даврий матбуотнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масалаларига етакчи халқаро марказларда муҳим эътибор қаратилаётгани, шу жумладан, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон миллий матбуотида дин ва ислоҳат масалалари, Бухоро матбуотида жадиличлик ва маданий ўзгаришлар, даврий нашрларда уламоларнинг илғор қарашлари каби масалаларга қаратилган илмий изланишларнинг олиб борилиши мазкур тадқиқот мавзусининг халқаро миқёсдаги долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон тарихининг мураккаб саҳифаларидан бўлган XIX аср охири XX аср бошлари даврини ўрганишда даврий матбуот нашрлари муҳим манба ҳисобланади. XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода босмаҳона, нашриёт ва матбуот ишларининг йўлга қўйилиши жамият ривожига муҳим ўзгаришлардан саналиб, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ривожига муносиб ҳисса қўшган. Шу ўринда, “ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган мамлакат сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш, бой ёзма меросини сақлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларини янги сифат босқичига кўтариш”<sup>1</sup> нинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода босмаҳона, нашриёт ва матбуот иши тарихини тадқиқ этиш тадқиқотнинг фан соҳасидаги долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва ахборот

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2995-сонли қарори. 2017 йил 24 май.

соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони, “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 24 майдаги ПҚ-3737 сонли қарори, “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли қарор ва фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқотнинг даврий чегараси бевосита Бухоро амирлиги ва БХСР даври тарихи билан боғлиқ, шу даврларга доир изланишларни даври ва мазмун-моҳиятдан келиб чиқиб шартли равишда уч гуруҳга бўлинди: 1. Совет даврига оид изланишлар. 2. Ўзбекистон мустақиллиги даврида олиб борилган тадқиқотлар. 3. Хорижий асарлар.

*Биринчи гуруҳга* оид изланишлар асосан, совет даврида амалга оширилган бўлиб, бу борада Зиё Саид, Ё. Муҳаммедова, Т. Эрназаров, Т. Пидаев, З. Юлдашев, А. Акбаров, Э. Титофеев, М. Бобожонов, Н. Йўлдошев<sup>1</sup> каби олимларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Шулар орасида, дастлабки тадқиқот Зиё Саид томонидан амалга оширилган<sup>2</sup> ва муаллиф асарида XX аср бошларида Ўзбекистон матбуотининг ташкил топиши ва матбуот органлари фаолияти кенг таҳлил этилган. Шунингдек, Ё. Муҳаммедованинг тадқиқотида босмаҳоналарнинг фаолияти ва маданий ҳаётга таъсири масалалари очиб берилган. Т.Эрназаров, А.Акарбаров, Т.Пидаев ва М.Бобожоновларнинг китоб ва мақолалари Туркистон ўлкасида даврий матбуотнинг 1870-1925 йиллардаги босқичлари ўнлаб матбуот органлари фаолияти орқали таҳлил қилинган. З.Юлдашев китобида Ўзбекистонда китобот ва нашриёт ишларининг тарихи далил ва рақамлар орқали ёрқинлаштирилган. М.Нишонов монографиясида Шарқ мамлакатларидаги

<sup>1</sup> Муҳаммедова Ё. Босма ишлари. 1-қисм. –Т.: Ўздавнашр, 1952. - 87 б.; Эрназаров Т. Туркистонда вақтли матбуот (1870-1924 йиллар). – Т.: Ўздавнашр, 1959. – 148 б.; Шу муаллиф. Ўзбекистонда партия ва совет матбуоти. – Т.: Ўздавнашр, 1962. -224 б.; Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. (1870-1925 гг.). Учебное пособие для факультетов и отделений журналистики ун-т. – Т.: Ўқитувчи, 1976 – 288 с.; Пидаев. Т. Ўзбекистон матбуотининг ўтмиши ва кечмиши // Ўзбекистон матбуоти. 1966. №1-3 – Б. 29-34.; Юлдашев З. Развитие книго-издательского дело в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1969. –190 б.; Акбаров А., Нишонов М. Осие ва Африка мамлакатларида вақтли матбуот. –Т.: Ўзбекистон, 1973. – 119 б.; Титофеев Н. Матбуот. Социалистик турмуш тарзини пропаганда қилиш ва қарор топтиришининг муҳим воситаси. –Т.: Ўзбекистон, 1982. – 32 б.; Бобожонов М. Из историй периодической печати Туркестана. – Душанбе: Дониш, 1987. – 180 с.; Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан // Бухоро ҳақиқати. 1990 йил 14 июнь.

<sup>2</sup> Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. – Б. 115. (Бу асар 1974 йил Тошкентда чоп этилган Зиё Саиднинг “Танланган асарлар” китобига ҳам киритилган).

бир қатор етакчи матбуот органлари таҳлил қилинган бўлса, Н.Титофоевнинг китоби даврий матбуотнинг давр руҳини акс эттириб, ташвиқот ва тарғиботчилик ролини очиб беришга қаратилган. Н.Йўлдошевнинг мақоласи бевосита Бухоро маҳаллий матбуотига бағишланганлиги эътиборга лойиқ. Ўтган асрнинг 80-йилларида нашр қилинган ишлар қаторида С.Иноятовнинг тадқиқотлари ва монографиясини<sup>1</sup> алоҳида қайд қилиш мумкин.

*Иккинчи гуруҳ* ишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яратилган бўлиб, Ўзбекистон журналистикаси тарихи, матбуоти ва миллий матбуотнинг оммавий ахборот воситаларида тутган ўрни, вақтли матбуотнинг маърифатпарварлик тарғиботи, матбуот маънавий мерос сифатида ўтмиш хабарчиси эканлигини асослаб берган. Жумладан, Н.Абдуазизованинг бу йўналишдаги илмий ишларини<sup>2</sup> алоҳида қайд қилиш мумкин. Олима ўзининг илмий изланишларида Ўзбекистон журналистикасининг 130 йиллик тарихи ҳақида фикр юритган ҳамда матбуотнинг маънавий мерос ва оммавий ахборот воситалари тармоқларида тутган ўрнини очиб берган. Н.Абдуазизова изланишлари Ўзбекистон, Туркистон минтақаси матбуоти масалалари камраб олганлиги сабабли, Бухоро матбуоти тарихига маълум даражада умумий фикр-мулоҳазалар билан чекланган.

Тарихчи олим А.Мингноровнинг номзодлик диссертациясида ва монографиясида 1917-1918 йилларда Туркистонда фаолият юритган миллий-сиёсий ташкилотлар тарихи маҳаллий матбуот материаллари асосида таҳлил қилинган<sup>3</sup>. Бухоро омили бу ерда ҳам бўлсада, тадқиқотда умумтуркистон тарихи доирасида изоҳ берилган.

Ўзбекистон матбуотининг турли даврлар тарихини ўрганишга оид С.Саидвалиев, З.Есенбоев, Н.Ҳамаев, А.Бобожонов, Р.Шамсутдинов, А.Усмонов, А.Жалолов, Х.Ўзганбоев, Қ.Ражабов, С.Иноятов, С.Шадманова<sup>4</sup> кабиларнинг бир қатор мақолалари ва китоблари чоп этилган. С.Шадманованинг “Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида” номли йирик

<sup>1</sup> Иноятов С. Роль партийно-советской печати Узбекистана в осуществлении коллективизации сельского хозяйства (1929-1934 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1969. – 33 с.; Ўша муаллиф. Роль печати в интернациональном воспитании трудящихся. – Ташкент: Фан, 1986. – 272 с.

<sup>2</sup> Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-2000) – Т., 1999; шу муаллиф. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари. – Т.: “Академия”, 2003; шу муаллиф. Матбуот ва маънавий мерос. – Т.: Академия, 2004.

<sup>3</sup> Мингноров А. “Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар” (маҳаллий матбуот материаллари асосида). –Т.: Маънавият, 2002. - 60 б.; шу муаллиф. “Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар” (маҳаллий матбуот материаллари асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси афтореферати. – Т.: 2000. - 28 б.

<sup>4</sup> Саидвалиев С. Истиклол ва сўз масъулияти // Ўзбекистон матбуоти 1993. № 9-10. –Б. 22; Есенбоев З. Буюк истиклолга эътиқод : [Журналистлар хиссаси] // Халқ сўзи. 2006. – 17 июн.; Ҳамаев Н. Даврий матбуот материалларида Туркистонда совет режимига қарши кураш тарихи масалаларининг ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ёш тарихчи олимлар нигоҳида (ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалар тўплами). – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 69-74; Бобожонов А. Истиклол орзуси // Фидокор. 2002 йил 25 июль; шу муаллиф. Ўзбек миллий матбуоти // Фидокор. 2004 йил 7 декабрь; Шамсутдинов Р. Матбуотнинг жамиятдаги ўрни // Андижоннома, 2005 йил 23 июнь; Усмонов А. Ўзбекнинг сўзи. – Т.: Шарқ, 2004; Жалолов А, Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли. – Т.: Фан, 1993; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Т.: Тафаккур, 2016. – 450 б.; Шадманова С. Туркистон тарихи давр матбуотида (XIX асрнинг охири XX аср бошлари) // Ўзбекистон тарихи манбашунослик масалалари. – Т.: 2010. – Б. 73-83; шу муаллиф. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида. – Т., 2011. – 294 б.

монографиясида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида турли тилларда мавжуд бўлган ўнлаб матбуот органларининг минтақа тарихини ўрганишдаги манбавий роли очиб берилган. С.Шадманова 1870-1917 йиллар оралиғида, асосан Европа тилли матбуот органларига мурожаат қилган.

Таъкидлаш жоизки, бевосита Бухоро даврий матбуоти масалаларига йўналтирилган илмий ишлар, мақолалар Б.Дўстқораев, Н.Наимов, У.Амонов, А.Ниёзмуродов, Ш.Ҳайитов кабиларнинг ишларини киритиш мумкин<sup>1</sup>.

Айниқса, Б.Дўстқораевнинг “Бухорода миллий матбуотнинг вужудга келиши” номли йирик мақоласида, шунингдек, “Ўзбекистонда журналистика тарихи” номли китобининг биринчи томида Бухорода XX аср биринчи чорагида чоп этилган матбуот органлари ҳақида ҳам тарихий-хронологик изчиллик асосида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, газеталарнинг айрим нусхалари шарҳланганлиги эътиборга лойиқ. “Бухоройи шариф” газетаси ҳақида олим ишларида маълумотлар учрамайди.

К.Раҳмоновнинг номзодлик иши ва монографиясида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг манбавий аҳамияти очиб берилган<sup>2</sup>. Шунингдек, К.Раҳмонов ва Ж.Ҳайитовларнинг кейинги йилларда эълон қилган ишлари даврий матбуот тарихига бағишланган<sup>3</sup>. Файласуф олим Б.Эргашевнинг монографиясида<sup>4</sup> ва тожикистонлик тарихчи олим Н.Ғафуровнинг<sup>5</sup> диссертациясида Бухородаги дастлабки матбуот органлари- “Бухоройи Шариф” ва “Турон” газеталари чоп этилиши тарихи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Бухорода XX аср биринчи чорагига тегишли бўлган матбуот органлари ҳақида хориж олимларидан француз олимаси Элен Каррер Энкаус ва немис олимаси Ингеборг Бальдауф кабиларнинг ишларини алоҳида қайд қилиш

---

<sup>1</sup> Дўстқораев Б. Бухорода миллий матбуотнинг юзага келиши // Маърифат 2008 йил 21, 25, 27 июнь, 2 июль сонлари; шу муаллиф. Ўзбекистонда журналистика тарихи (1-қисм. 1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уй. – Т.: 2009. - 380 б.; Наимов Н. Абдурауф Фитрат муҳаррир ва журналист // Бухоронома (махсус рисола). 2010. – Б. 40-48.; Амонов У. ”Бухоройи Шариф” рўзномасини ўқиб... // Педагогик маҳорат. 2007. -№ 1. - Б. 49-52; Ниёзмуродов А. Барҳаёт анъаналар руҳида // Бухоронома (махсус рисола). –Бухоро, 2010. – 155-164 б.; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Истиклолнинг икки буюк фарзанди. Бухоро - 2003. – 37 б.; шу муаллифлар. Муҳаррирнинг йўл хотиралари // Бухоронома, 2003 йил 23 апрел; Ҳайитов Ш. Биринчи муҳаррир // Бухоронома. 2003 йил 10 сентябрь.

<sup>2</sup> Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси афтореферати. – Т.: 2009. - 28 б.; шу муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2012. - 186 б.; шу муаллиф. “Озод Бухоро” газетасининг манбавий аҳамияти, сақланиш ҳолати: муаммо ва ечимлар. “Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)” мавзудаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. - Бухоро, 2016. - Б.173-177; шу муаллиф. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. Бухоро-2019. - 116 б.

<sup>3</sup> Раҳмонов К., Ҳайитов Ж. Бухорода маҳаллий матбуотнинг вужудга келиши тарихидан (XX асрнинг биринчи чораги) // БухДУ Илмий ахборотлари. 2008. -№3. - Б. 24-28; Ҳайитов Ж. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX асрнинг охири - XX аср бошлари). Бухоро: “Дурдона”, 2018. - 212 б.

<sup>4</sup> Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Т.: “Фан”, 1990; - 83 с; шу муаллиф. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 1993. – 29 б.

<sup>5</sup> Ғафуров Н. Культурно-просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века) Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Душанбе. 1999. – 31 с.

мумкин<sup>1</sup>. Бухоро амирлигидаги матбуот ва нашриёт ишлари ҳақида улар асарларида фикрлар мавжуд. Аҳмад Закий Валидий Тўғон ва Боймирза Ҳайит, шунингдек, турк тарихчиси Меҳмет Сарай<sup>2</sup> кабиларнинг тадқиқотларида Туркистон ва Бухорода жаҳидчилик ҳаракати ҳақида фикр юритилар экан, Бухорода матбуот, босмахоначилик ва нашриёт тарихига оид айрим далил ва рақамлар ҳам келтирилган.

Тадқиқ қилинаётган мавзунинг ўрганилиш даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, XX аср биринчи чорагида Бухоро матбуоти тарихи, босмахоначилик ва нашриёт ишлари мавзуси комплекс ҳамда яхлит ҳолда жиддий илмий тадқиқотга тортилмаган. Бу эса мазкур мавзунини алоҳида чуқур ва атрофлича диссертация доирасида ўрганишни тақозо қилади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат университетининг ИТ-1 “XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган (2016-2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмахоначилик, нашриёт ва матбуот иши тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро амирлигида босмахоналар ташкил топиши омилларини таҳлил қилиш;

амирликда ҳукумат босмахонаси фаолиятини очиб бериш;

XX аср бошларида Бухоро амирлигига хорижий матбуотнинг кириб келиши ва маҳаллий матбуотни вужудга келишига таъсирини аниқлаш;

амирликда “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталарининг жамият маънавий-маданий ҳаёти ривожига тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

“Бухарский ведомости” номли матбуотнинг рус манзилгоҳлари ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

1920-1925 йилларда БХСРда мунтазам миллий матбуотнинг йўлга қўйилишини ёритиб бериш;

БХСРда босмахона ва нашриёт идораларига доир масалаларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Бухорода XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чорагида босмахона, нашриёт ва матбуот соҳасига қаратилган.

**Тадқиқотнинг предметини** ўрганилаётган даврда Бухорода матбуот органлари, нашриёт ва босмахоналар фаолиятига оид манба ва материаллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-киёсий, даврий изчиллик, муаммовий-хронологик каби усуллардан фойдаланилди.

<sup>1</sup> Элен Каррер Энкаус. Яширин жамиятлар даври (1910 – 1914 йиллар) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. № 1-2. – Б. 63-69; Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 72 б.

<sup>2</sup> Zeki Velidi Togan / Bugungi Turkili (Turkistan) ve yakin tarihi/ - Istanbul, 1981, Hayit Baymirza. Turkistan milli mujadeleleri Tarihi (1917-1934). – Ankara, 1997; Mehmet Saray. Mulli mucadele yillarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkieye yardimi // Turkistanda yenilik hareketleri ve ihtilalar: 1900-1924.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат.

XIX аср охири Бухоро амирлигида илғор кучлар томонидан илк босмаҳоналарнинг (Мулла Аҳмад, Ҳожи Азимбой, Бухоро шаҳар босмаҳоналари) ташкил топиши ва уларда таълим соҳаси учун нашр этилган диний, фалсафий ва бошқа мазмундаги асарларнинг халқ маънавиятига кўрсатган таъсири аниқланган.

XX аср бошларида Бухоро амирлигига хорижий матбуотнинг кириб келиши ва уларнинг маҳаллий матбуотни вужудга келишига таъсири, “Бухоройи шариф” ва “Турон” каби газеталарнинг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини ёритишдаги ўрни асослаб берилган;

1917 йилда Бухоро амирлигида ҳукумат босмаҳонасининг фаолияти ва муаммолари (таъминоти, моддий-техник базаси ва ҳоказо) аниқланган, шунингдек, “Бухарский ведомости” номли газетанинг рус манзилгоҳлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини очиб беришдаги ўрни аниқланган;

1920-1925 йилларда БХСРда мунтазам миллий матбуотнинг “Нашри маориф”, “Маорифни тарқатиш” журнали ва “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Учкун” ва бошқа газеталар мисолида йўлга қўйилиши асослаб берилган. Босмаҳона ва нашриёт идораларининг БХСР ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тарихи фани ўқув материаллари Бухоро амирлиги ва БХСРнинг босмаҳона, нашриёт ва матбуот фаолиятида ёритилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид маълумотлар билан тўлдирилган;

Бухоро маҳаллий матбуоти материаллари асосида, бухоролик тараққийпарвар жадиждлардан Абдурауф Фитрат, Мирзо Сирож Ҳаким, Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим ва бошқаларнинг ислохотчилик, маърифатпарварлик, халқпарварликка оид қарашлари очиб берилган;

Тадқиқот мавзуси доирасида таълим тизими жараёнида замонавий инновацияларни қўллаш мумкин бўлган илмий-назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмаҳоначилик, нашриёт ва матбуот иши тарихини очиб беришда бирламчи манбалар, жумладан, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материалларига асосланилгани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухородаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни ёритишда матбуот органлари фаолиятини тутган ўрни ҳақида назарий билимларни янада чуқурлаштириш ва амалиётга жорий этишга асосланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистонда матбуот тарихига доир мақсадли давлат дастурларини бажаришга, олий таълим муассасаларида махсус курслар яратиш ҳамда дарслик ва ўқув адабиётларнинг мукаммалашувида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX асрнинг охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмахоначилик, нашриёт ва матбуот ишига оид олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар асосида:

XIX аср охири Бухоро амирлигида илғор кучлар томонидан илк босмахоналарнинг ташкил топиши ва уларда диний, фалсафий ва бошқа мазмундаги асарларнинг нашри билан боғлиқ илмий хулосалар киритилган “Ўзбекистон тарихи”, “Фан ва техника тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Бухоро тарихи” каби фанларни такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89-03-4391-сонли маълумотномаси). Бу таълим жараёнида Бухорода матбуот органларининг вужудга келиши, тузилмаси ва фаолиятининг маънавий-маърифий ҳаётга кўрсатган таъсирини очиб беришга хизмат қилган.

XX аср бошларида Бухоро амирлигига хорижий матбуотнинг кириб келиши ва уларнинг маҳаллий матбуот, жумладан “Бухоройи шариф” ва “Турон” каби газеталарнинг вужудга келишида ўрни ҳамда 1917 йилда Бухоро амирлигида ҳукумат босмахонасининг фаолияти ва муаммоларига оид маълумотлар Бухоро давлат музей-қўриқхонаси “Хужжатлар” фондида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йилнинг 13 март 01-01/164-сонли маълумотномаси). Бу кенг халқ оммасига XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка иқтисодиёти, маданий ва маърифий ҳаёти ҳақида ҳолис билимлар беришга хизмат қилган.

1920-1925 йилларда БХСРда мунтазам миллий матбуот “Нашри маориф”, “Маорифни тарқатиш” журнали ва “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Учқун” ва бошқа газеталар мисолида ҳамда босмахона ва нашриёт идораларининг БХСР ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрнига боғлиқ материаллар Бухоро вилоят маданий мерос бошқармаси “Арк” музей-қўриқхонаси фондида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йилнинг 13 март 01-01/164-сонли маълумотномаси). Бу Ўзбекистон тарихи фанини Бухоро Халқ Совет Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихи тўғрисидаги илмий маълумотлар билан тўлдирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманларда, 7 та халқаро конференция (Ўзбекистон, Тожикистон, Россия) ҳамда 16 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациясининг натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро амирлигида босмахона ишининг ташкил этилиши омиллари ва фаолияти”** деб номланган биринчи бобида XIX аср охири - XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида босмахоналар ташкил этилиши, шунингдек, ҳукумат босмахонаси ҳамда хусусий босмахоналарнинг фаолияти масалалари тарихий изчилликда ўрганилган.

Тошбосмахоналар илк бор Европада кашф этилган. Биринчи босмахонани немис ношири Алозия Зеннефельдер 1810 йилда очган эди. Шарқ мамлакатларидан Туркия ва Эронда дастлабки босмахоналар ташкил этилиб, 1886 йилда Эроннинг пойтахти Техрон шаҳрида 10 та, Табриз шаҳрида эса 7 та тошбосмахона мавжуд бўлган<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда биринчи тошбосмахона 1874 йилда Хивада очилган. XIX аср 70-йиллари охирида тошбосмахоналар Бухоро, Самарқанд, Андижонда вужудга келади<sup>2</sup>. “Таржумон” газетаси маълумотларида<sup>3</sup>, Бухорода босмахоналар очиш ва матбуот ишларини йўлга қўйиш 1883 йилдан бошлаб амалга оширилган. Бироқ Россия сиёсий агентлиги бунга қаршилик қилиб келган<sup>4</sup>. Айрим адабиётларда Бухородаги илк босмахона 1894 йилда яҳудий Левин томонидан очилганлиги қайд этилган. Левин босмахонасидан илгарироқ 1884 йилда Бухорога ҳаж зиёратидан қайтган Мулло Муҳсин тошбосма ускуналарини Ҳиндистондан олиб келган. Унинг босмахонасида “Ҳафтияк”, “Ақоид” ва Румийнинг “Маънавий маснавий” асарлари босилган. Шунингдек, Мулло Аҳмад босмахонасида “Ҳафтияк”, “Рисолаия ваъзия”, “Рисолаи адаб”лар босилган. 1886 йилда Ҳожи Азимбой босмахонаси ҳам бўлган<sup>5</sup>. Ушбу маълумотлар Бухоро амирлигида Левин босмахонасидан ўн

<sup>1</sup> Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари: (тарихий очерклар)/ Р. Сафаров таҳрири остида. – Т.: “O‘zbekiston” НМНУ, 2010. –Б. 102.

<sup>2</sup> Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Тузувчи Н. Абдуазизова. Тошкент. “Академия” 2000. –238 б., Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870-1925 гг.). Учеб. пособие для факультетов и отделений журналистики университетов. – Т.: “Ўқитувчи”, 1976. –Б. 11.

<sup>3</sup> “Таржумон” газетаси 1883-1914 йилларда Боқчасарой (Қрим)да таникли тараққийпарвар Исмоилбек Гаспиринский (1851-1914 йй) томонидан чоп этилган. Қосим Динноров. Бухородан мактуб // Таржумон, 36-сон, 1884 йил 21 октябрь; Бухороли бир киши. Бухорои шарифдан мактуб // Таржумон, 47-сон, 1884 йил 31 декабрь; Бухороли бир киши. Бухородан мактуб // Таржумон, 8-сон, 1885 йил 28 февраль.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўз МА). И. 126-фонд, 2-рўйхат, 14-йиғма жилд, 1, 2-варақлар, Ўз МА И. 1-фонд, 4-рўйхат, 1740-хужжат, 75-варақ.

<sup>5</sup> Абдурашидов З. Аннотированная библиография туркестанских материалов в газета “Таржуман” (1883-1917). NIHU Program Islamik Area Stufiers TIAS: Departament of Islamik Area Stufiers, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities, and Sociology, The Univrersity of Tokio First Published in 2011. – С.

йиллар олдин босмахоначилик йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бухоро амирлигида 1901 йилда Обиджон Маҳмудовнинг тошбосмахонаси ҳам мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Левин босмахонаси фаолияти эса, 1894 йилдан бошланиб, унда 300 дан кўпроқ номдаги китоблар чоп этилган. Улардан 150 дан ортиғи араб тилида, 104 номдагиси форс-тожик тилида, 53 таси ўзбек тилида эди<sup>2</sup>. Левин босмахонасида чоп этилган адабиётлар рўйхати “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарининг барча сонларида келтирилган. Аммо, бу даврда босилган адабиётларнинг тиражи 500 нусхадан ошмаган. 1917 йилга қадар Бухоро амирлигининг Янги Бухоро (ҳозирги Когон шаҳри), Чоржўй (ҳозирги Туркменистон Республикасида) ва Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро) шаҳарларида тошбосмахона ва типотошбосмахоналар фаолият юритган<sup>3</sup>. Хуллас, XIX асрнинг 80-йилларидан XX аср бошларига қадар мутахассислар етишмаслиги, амирлик ҳукуматининг қаршилиги, молиявий муаммо, асбоб-ускуналар етишмаслиги каби тўсиқларга қарамай Бухорода босмахона иши шаклланди ва ривожланди.

Диссертацияда Бухоро амирлигида ташкил топган биринчи ҳукумат босмахонаси ва унинг фаолияти атрофлича ўрганилган. Амирликда ҳукумат босмахонасининг вужудга келиши 1917 йил 7-8 апрель воқеаларига, яъни ислохотлар ўтказишга қаратилган манифестнинг эълони билан боғлиқ. Манифестда: “Бухоро давлатининг саодати ва ободлиги йўлида бизнинг бошланган ҳамма ишларимизни ва буйруқларимизни бизнинг садоқатли фуқароларимизнинг ҳаммаси вақтида аниқ билиб туришлари учун Бухоронинг пойтахтида босмахона (матбаа) тузишга амр бердик. Бунинг биринчи вазифаси, Бухоро халқининг умумий фойдаланиш учун лозим бўлган микдорда нашриёт ишлари билан машғул бўлишдир<sup>4</sup>” каби фикрлар мавжуд. Манифест эълон қилинишдан олдин 1917 йил 29 март куни амирининг бош вазири Насрулло қушбеги ва Россия фуқароси В.Бугаев ўртасида Эски Бухорода тошбосмахона ташкил этиш тўғрисида ўн тўрт бандли шартнома имзоланган. Шартномада, бир ярим ой ичида босмахона фаолиятини йўлга қўйиш, маҳаллий халқ вакилларида ишчи ходимлар олиш, босмахонани асбоб, ускуналар билан таъминлаш кабилар В.Бугаев зиммасига юкланган<sup>5</sup>. Шартномада босмахона харажатлари, ишчи ходимларга тўланадиган маош, ижтимоий ҳимоя, босмахонани жиҳозлаш, техник воситаларни сотиб олиш кабилар ҳам аниқ кўрсатилган. Бухоро

---

52; Шу муаллиф. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения - влияние. – Т.: “Akademnashr”. 2011. – С. 285.

<sup>1</sup> Кадыров К. Становление и развитие полиграфической промышленности и книгоиздательство Таджикистана в XX столетии. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Душанбе. 2000. – С. 16-17; Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари: (тарихий очерклар)/ А.Бобохонов; Р.Сафаров таҳрири остида. –Т.: “O’zbekiston” НМНУ, 2010. –Б. 121.

<sup>2</sup> Холназарова Л. История книжного дела и библиотековедения в Бухарском эмирате в XI-начале XX в. автореф. дисс. на соиск. учен. канд. ист. наук. - Т.: 2011. - С. 17; Раҳмонов К.Ж. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари - Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Т.: 2009. -180 б.

<sup>3</sup> Ўз МА И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682-хужжат, 5- варақ, 5-варақнинг орқа томони.

<sup>4</sup> Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллигига) -Т.: “Фан”, 1997. –Б. 86.

<sup>5</sup> Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682- йиғма жилд, 5-варақ, 5-варақнинг орқа томони.

ҳукумати томонидан В.Бугаев билан ҳамкорликда Мирзо Мустафо Мирохўр ишлаган. Босмахона бошқаруви биноси учун 12 кв.сажен, босмахона биноси учун 30 кв.сажен майдон ажратилган. Бухоро амирлиги ҳукумат босмахонаси ҳозирги Бухоро тиббиёт институти ҳузуридаги 2-сон академик лицей биноси атрофида қад ростлаганлиги аниқланди<sup>1</sup>. Бухоро ҳукумати босмахонаси муддатида очилмаган, В.Бугаев амирлик хазинасидан бир неча бор маблағ олсада, босмахона қурилиши ҳамда моддий-техник жиҳозланишига ҳамма вақт ҳам мақсадли сарфламаган<sup>2</sup>. Диссертацияда манбалар асосида босмахона биносининг қурилиши, унга сарфланган қурилиш материаллар, уларнинг нарх-навоси, маблағ сметалари, унинг сарфланиши, бу борада амирлик ва сиёсий агентликнинг бир-бирларига йўллаган хатлари кабилар архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган. Бухорода фаолият юритган ҳукумат босмахонаси қўшимча харажатлар қилинишига қарамасдан, 1917 йил давомида қурилиш ва таъмирлаш ишларини тўла тугатилмаган<sup>3</sup>.

Ҳукумат босмахонаси раҳбари В.Бугаевнинг малакаси ва тажрибаси паст бўлганлиги, 1917 йил декабрда техник носозлик сабаб бинода ёнғин чиқиши, паст иш ҳақи тўланиши, моддий-техник база ночорлиги, асосан таклифнома, табрикномалар чоп этилганлиги, босмахона фаолияти рус ҳукумати манфаатига йўналтирилганлиги каби омиллар уни салкам бир йил иш юрита олишига имкон берди, холос<sup>4</sup>. Бухоро амирлигидаги “Колесов воқеа”лари (1918 йил март)дан сўнг босмахона фаолияти тўхтатилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“XX аср бошларида Бухоро амирлиги матбуот органлари тарихи”** деб номланиб, ушбу бобда Бухоро амирлигида маҳаллий матбуот органлари вужудга келишида Шарқ хорижий матбуотининг таъсири, амирликдаги илк матбуот органлари “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарининг чоп этилиши, уларнинг таснифи, мазмун ва моҳияти, шунингдек, мамлакат ҳудудидаги рус тилида чоп этилган айрим матбуот органлари ҳақида батафсил маълумот берилади.

XIX аср охири - XX аср бошларида Шарқ дунёсидаги миллий уйғониш, ўзликни англаш, озодлик, тенглик, маърифатпарварлик ғоялари Бухоро амирлигига ҳам кириб келди. Ушбу илғор ғоя ва қарашларни тарғиб қилишда хорижий матбуотнинг роли муҳим бўлди. Бухоро амирлигига Россия империясининг мусулмон аҳолиси яшайдиган ҳудудлари (Қрим, Кавказ, Волгабўйи, Уралолди)дан тараққийпарварлик қарашларини тарғиб қилган газеталар нолегал тарзда кириб келди. Қримдан “Таржумон” газетасининг

<sup>1</sup> Орзиев М. З. Бухоро амирлигининг нашриёт ва босмахона ишлари хусусида (1917-1918 йиллар) / Вухого Davlat Universiteti ilmiy axboroti. -№2, 2013 yil. – В. 85-88; Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682-йиғма жилд, 4-варақ; шу йиғма жилд, 20-варақ, 20-варақнинг орқа томони, 35-варақ; Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 722-йиғма жилд, 51-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682-йиғма жилд, 6-варақ, 6-варақнинг орқа томони., 19-варақ, 19-варақнинг орқа томонида ушбу матннинг форсча таржимаси ҳам келтирилган; Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 722- йиғма жилд, 51-варақ; шу йиғма жилд 11, 50, 58-варақлар.

<sup>3</sup> Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682-йиғма жилд, 35-варақ; шу йиғма жилд, 8-варақ., Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 722-йиғма жилд, 196-варақ.

<sup>4</sup> Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 722-йиғма жилд, 98-варақ, 98-варақнинг орқа томони; Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 1682-йиғма жилд, 78-варақ, шу йиғма жилд, 62-варақ, 62-варақнинг орқа томони; Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 722-йиғма жилд, 90-варақ, 90-варақнинг орқа томони; шу йиғма жилд, 90-91 варақлар; Ўз МА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 674-йиғма жилд, 7-варақ; Ўз МА И. 3-фонд, 2-рўйхат, 671-йиғма жилд, 6-варақ.

кириб келиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, газета чоп этилишининг иккинчи йили (1884 йил) унинг минг нафар обуначисидан икки юз нафари Бухоро ва Туркистондан эди<sup>1</sup>. “Таржумон” газетасида Бухоро амирлиги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид мақолалар ҳам чоп этилганлиги эътиборга лойиқ<sup>2</sup>. Садриддин Айний: “Мен парламент тушунчаси ва моҳиятини “Таржумон” газетаси орқали англаб олдим”<sup>3</sup>, - деб ёзади.

Туркистон генерал-губернаторлигининг турли шаҳарларида чоп этилган “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор” (Тошкент), “Ислоҳ”, “Ойна” (Самарқанд) каби газета ва журналлар, Кавказда чоп этилган “Мулло Насриддин”, “Иршод”, “Ҳаёт”, “Ҳақиқати афкор” (Боку) кабилар амирликда тарқалди. “Мулло Насриддин”да “Бухоро хабарлари” мақоласи чоп этилгани, “Садойи Туркистон”да “Ҳозирги Бухоронинг аҳволи”, “Таржумон”да “Бухорони қаёққа олиб боряпмиз” деган мақолаларнинг эълон қилинганлиги Бухоро тараққийпарварлари онгининг юксалишига хизмат қилди<sup>4</sup>. Диссертацияда Бухорода матбуотнинг туғилишида таниқли тараққийпарвар Иброҳим Абдурашид Афанди<sup>5</sup> ва унинг “Иршод”, “Улфат”, “Таарифи-муслимин” каби матбуот органларининг хизматлари манбалар орқали очиб берилган<sup>6</sup>. Тадқиқотда архив ҳужжатларининг таҳлили орқали “Ҳикмат”, “Сироти мустақим”, “Сабили Рашод”, “Тасвири афкор” (Туркия)<sup>7</sup>, Эронда чоп этилган “Ал-Ҳадид”, “Адолат”, Афғонистонда нашр қилинган<sup>8</sup> “Шамс ан-Наҳори Кобули”, “Сирож ал-ахбор”, Ҳиндистондан “Ҳаблулматин”, Мисрдан “Парвариш”, “Чеҳранома” кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айниқса, Бухоро амирлигида Маҳмудбек Тарзининг “Сирож ал-ахбор” газетасига қизиқувчилар кўп бўлиб, унинг 120 та доимий обуначилари бўлган<sup>9</sup>. Бухоро амири ва рус сиёсий айғоқчилиги ушбу газетани қанчалик таъқиқламасин газета Бухорога етиб келишда давом этган<sup>10</sup>. Газетада

<sup>1</sup> Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. -Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. - Б. 24-25.

<sup>2</sup> Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. - Т.: Фан, 1991. - С. 22; Ҳайитов Ш., Орзиев М. Садриддин Айний асарлари Бухоро матбуоти тарихидан маълумот берувчи манба // БухДУ Илмий ахбороти. 2009 йил. 4-сон. -Б. 3-5; Исмоил Гапиринский. Муаллим // Таржумон, 14-сон, 1884 йил 21 июнь.

<sup>3</sup> Садриддин Айний. Асарлар 8 томлик. 1-том. -Т.: ЎзССР давлат адабиёт нашриёти. 1963. -Б. 24-25.

<sup>4</sup> Ўз МА, И. 11-фонд, 1-рўйхат, 244-йиғма жилд, 21-варақ; ЎзМРДА, И. 3-фонд, 2-рўйхат, 150-йиғма жилд, 1-3 варақлар.

<sup>5</sup> Иброҳимов Абдурашид Гумерович (1857-1944) - Сибирга бориб қолган бухороликларнинг авлодидан. Ўз МА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 121-варақ, 121-варақнинг орқа томони, 122-варақлар.

<sup>6</sup> Айний С. Эсдаликлар. (Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар). - Т.: ЎзССР давлат адабиёт нашриёти; 1963. -Б. 205; Ўз МА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 20-варақ, 20-варақнинг орқа томони., шу йиғма жилд, 121-варақ, 121-варақнинг орқа томони; шу йиғма жилд, 20-варақ, 20-варақнинг орқа томони. шу йиғма жилд, 121-варақ, 121-варақнинг орқа томони.

<sup>7</sup> Ўз МА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1260-йиғма жилд, 18-варақ, 18-варақнинг орқа томони; шу йиғма жилд, 69-варақ, 69-варақнинг орқа томони; шу йиғма жилд, 20-варақ, 20-варақнинг орқа томони.

<sup>8</sup> Шамансуров А., Полякова Е. Садриддино З. и др. Афганистан (вопросы истории, экономики и филологии). -Т.: Фан, 1978. -С. 100-103; История Афганистана. - М.: “Мысль”, 1982. - С. 213-214; Ўз МА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1818-йиғма жилд, 145-варақ, 145-варақнинг орқа томони; Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 4-йиғма жилд, 43-варақ, 43-варақнинг орқа томони.

<sup>9</sup> Очилдиев Д. Младоафганское движение. - Т.: Фан, 1985. - С.27.

<sup>10</sup> Ўз МА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1818-йиғма жилд, 145-варақ, 145-варақнинг орқа томони; Ўз МА, И. 126-фонд, 2-рўйхат, 4-йиғма жилд, 43-варақ, 43-варақнинг орқа томони.

мустамлака зулмига қарши руҳда ёзилган шеър ва мақолалар босилган<sup>1</sup>. Эрондан “Адолат”, “Ал-Ҳадид” каби газеталарнинг кириб келиши мусулмонларнинг турли оқим ва мазҳабларга мансублигидан қатъий назар бирликка даъват этган<sup>2</sup>. Биз юқорида қайд қилган газеталарнинг бир қатор нусхалари Бухоро вилоят давлат музейи қошидаги Камолиддин Бехзод номидаги санъат музейида сақланади. Диссертацияда улардан самарали фойдаланиб, кўпларидаги мавжуд материаллар илк бор илмий муомалага киритилди. Тадқиқотнинг ушбу бобида Бухоро амирлигида “Тарбияи атфол” (Болалар тарбияси) ташкилоти аъзолари Муҳиддин Мансуров<sup>3</sup>, Мирзо Сирож Ҳаким<sup>4</sup> ташаббуси билан форс-тожик тилида чоп этилган “Бухоройи шариф” газетасининг жами 153 та сони ўрганилиб, таҳлил қилинди. Газетанинг раҳбари Ҳайдархожа Мирбадалов<sup>5</sup> бўлиб, унинг биринчи сони 1912 йил 11 мартда Янги Бухоро (Когон)да Левин босмахонасида чоп этилган<sup>6</sup>. “Бухоройи шариф” газетаси йирик бўлмаган форматда, тўрт саҳифада, юпка, сарғиш рангли сифати ўрта даражада бўлган қоғозда босилган. Газета араб имлосида, форс-тожик тилида босилиб, унда шиор мавжуд эмас. Газетанинг биринчи саҳифаси тепа қисми ўртасида араб имлосида “Бухоройи шариф” деб ёзилган. Ушбу ёзувнинг ўнг томонида газетага обуна бўлиш шартлари уч ойлик (1 сўм), олти ойлик (3 сўм) ва бир йиллик (6 сўм), реклама бериш қоидалари (1-саҳифада 30 тийин, кейинги саҳифалар 20 тийин) келтирилган. “Газета иқтисодий, адабий, маърифий, тижорий ва бошқа нарсаларни ёзади<sup>7</sup>”,-деб изоҳ берилган. Газетанинг биринчи саҳифасида Мирзо Жалол Юсуфзода<sup>8</sup>нинг “Ғояи амол” (Умидлар ғояси) номли мақоласи босилган. “Бухоройи шариф” газетаси 1912 йил 11 мартдан 3 августгача ҳафтада олти кун, 1912 йил 3 августдан бошлаб, 1913 йил 2 январгача ҳафтада уч бора нашр бўлди<sup>9</sup>. Газетанинг 1-34 сонларида Ҳайдархожа Мирбадалов ва Мирзо Жалол Юсуфзода муҳаррир бўлган бўлса, 1912 йил 20 апрелидан то газета ёпилгунча Мирзо Жалол Юсуфзода, Мирзо Ғаффор билан биргаликда муҳаррирлик қилишган. “Бухоройи шариф” газетаси 1912 йил 11 мартдан, 1913 йил 2 январгача чоп этилиб, газетанинг жами 153 та сони нашр юзини

<sup>1</sup> Очилдиев Д. К вопросу о соотношении внутренних и внешних факторов в процессе зарождения просветительской идеологии в Афганистане (О книге Махмуд-бека Тарзи “Мажмуайи ахлоқ”); шу муаллиф, Младоафганское движение. -Т.: “Фан”, 1985. –С.63-71., Шамансуров А., Полякова Е., Садриддинов З. и др. Афганистан (вопросы истории, экономики и филологии) – Т.: Фан, 1978. – С. 100-103. История Афганистана - М.: “Мысль”, 1982. – С. 213-214.

<sup>2</sup> “Ал-Ҳадид” (форс тилида), Табриз, 1904 йил. 2-сон, 2-саҳифа.

<sup>3</sup> Муҳиддин Мансуров бухоролик йирик савдогар (1860-1923 йй) “Бухоройи шариф” таъсисчиларидан ва газетани молиялаштиришда фаол катнашган.

<sup>4</sup> Мирзо Сирож Ҳаким (1878-1914 йиллар) - тиббиёт ходими, шоир, маориф тарғиботчиси.

<sup>5</sup> Мирбадалиев Мир Ҳайдар Қосимович (1860-1938 йй) Оренбургдаги бухороликлар оиласида туғилган. 1886 йилдан Бухородаги рус сиёсий агентлигида катта ёзма таржимон. Қаралсин. [http://ru. Wikipedia.org/wiki/Мирбадалиев, Мир\\_Хайдар\\_Қасимович](http://ru. Wikipedia.org/wiki/Мирбадалиев, Мир_Хайдар_Қасимович).

<sup>6</sup> Ёўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан // Бухоро ҳақиқати 1990 йил 28 август, 14 июнь

<sup>7</sup> Жалол. Ғояи амол (Умидлар ғояси) // Бухоройи шариф. 1-сон, 1912 йил 11 март.

<sup>8</sup> Мирзо Жалол Юсуфзода (1278/1861-1350/1931 йиллар) Озарбайжон маърифатпарвари, Бухорога келгунга қадар Бокуда чиқадиган “Иршод”, “Ҳақиқати афкор” газетаси, “Мулла Насриддин” журналида ишлаган. “Бухоройи шариф”, “Турон” газеталарида 200 дан ошиқроқ мақола ва 40 дан ортиқ шеърлари чоп этилган.

<sup>9</sup> Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX веков. – Хўжанд, 2000. – С. 18.

кўрди.

Фарғона вилояти аҳолисининг 60 фоизи қашшоклик даражасида яшайди, мардикор ва мавсумий ишчилар сони кўпайиб, ишсизлар сони ошиб бормоқда<sup>1</sup>. “Россия империясида қазиб олингон тошқўмирнинг 13 фоизи Туркистонда қазиб олинади”<sup>2</sup>,- деб ёзилади газетанинг 21- сониди. Айниқса, Фарғонада пахтачилик билан боғлиқ маълумотлар газетанинг ўнлаб сонларида келтирилиши эътиборга лойиқ<sup>3</sup>. “Бухоройи шариф” саҳифаларида Бухоро таракқийпарварлари Фитрат, Мирзо Сирож Ҳаким, Айний, домло Икромча, Абдувоҳид Мунзим томонидан ўнлаб мақола ва шеърлар чоп этилган. “Бухоройи шариф”нинг 53-сониди Абдулвоҳид Мунзимнинг “Ватан”, 59-сониди “Тобақай” ва “Мактаб” шеърлари чоп қилинган. Абдурауф Фитратнинг “Фарёд” номли 40 мисрадан иборат шеъри газетанинг 1912 йил 29 июндаги 94-сониди ва 3 июлдаги 96-сониди чоп этилган<sup>4</sup>. Ушбу шеърларда халқни жаҳолатдан уйғонишга даъват этади. Мирзо Сирож Ҳакимнинг “Бухоройи шариф”да “Ҳифзу саҳфа” рукни остида ўнлаб мақолалари амирликдаги тиббиёт, халқ табobati, соғлиқни сақлаш муаммоларига бағишланади<sup>5</sup>. “Бухоройи шариф”да жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари таржимаси ҳам келтирилган. Айниқса, газетанинг 41-сонидан бошлаб Лев Толстойнинг бир қатор асарлари таржимаси бериб борилган<sup>6</sup>. Газетанинг “Идордан мактуб”, “Мактуб”, “Ички хабарлар”, “Ташқи хабарлар”, “Телеграф хабарлари” каби рукнларида босилган маълумотлар ўша давр ҳақида бой манба бўла олади.

Бухоро амирлигида аҳолининг асосий қисми ўзбеклар бўлганлиги, ўзбек тилида газета чоп этиш эҳтиёжини кучайтирди. “Бухоройи шариф” газетасининг 1912 йил 28 март 15-сониди: “Эндигина миллатнинг ғайрат ва ҳиммати билан форс-тожик тилида “Бухоройи шариф” номли газета пайдо бўлди. Бироқ аҳолининг хоҳишига кўра туркий тилда газета чиқариш зарур<sup>7</sup>”,- деган фикрлар келтирилади. Тадқиқотда амирликда кўп сонли аҳолиси тилида матбуотга эҳтиёжи, аҳолининг ўзбек тилида газета чиқариш тўғрисидаги мурожаатлари, воқеликларни туркий тилли аҳолига етказиш каби омиллар ўзбек тилида газета чиқаришга сабаб бўлганлиги очиб берилган. Газета “Бухоройи шариф” сингари йирик бўлмаган форматда, тўрт саҳифада, юпқа сарғиш рангли сифати ўрта даражада бўлган қоғозда чоп этилган. Газетанинг жами 49 та сони нашр этилган бўлиб, охириги 1913

<sup>1</sup> Телеграф хабарлари // Бухоройи шариф, 20-сон, 1912 йил 3 апрель; Туркистон хабарлари // Бухоройи шариф, 29-сон, 1912 йил 29 апрель.

<sup>2</sup> Маҳаллий хабарлар // Бухоройи шариф, 21-сон, 1912 йил 4 апрель.

<sup>3</sup> Туркистон хабарлари // Бухоройи шариф, 29-сон, 1912 йил 29 апрел; Пахта нархи // Бухоройи шариф, 19-сон, 1912 йил 2 апрел; Мактуб // Бухоройи шариф, 18-сон, 1912 йил 1 апрел.

<sup>4</sup> Фитрат Абдурауф Фарёд // Бухоройи шариф, 94-сон, 1912 йил 29 июнь.

<sup>5</sup> Мирзо Сирож Ҳаким. “Озодалик” Ҳифзи саҳфа (Соғлиқни сақлаш) // Бухоройи шариф, 13-сон, 1912 йил 26 март; 14-сон, 1912 йил 27 март; 15-сон, 1912 йил 28 март; 18-сон, 1912 йил 1 апрель ва бошқалар.

<sup>6</sup> Кичик ҳикоя // Бухоройи шариф. 32-сон, 1912 йил 17 апрель; Худо адолатсизликни кўради, лекин тезда ошкор қилмайди // Бухоройи шариф. 37-сон, 1912 йил 23 апрель; 38-сон, 1912 йил 24 апрель; 39-сон, 1912 йил 25 апрель; Кавказ асираси // Бухоройи шариф. 96-сон, 1912 йил 8 июль; 97-сон, 1912 йил 9 июль; 99-сон, 1912 йил 11 июль; 100-сон, 1912 йил 12 июль; Ишчи Емельян ва бўш барабан // Бухоройи шариф. 92-сон, 1912 йил 21 июнь” 93-сон, 1912 йил 26 июнь; 95-сон, 1912 йил 28 июнь; 96-сон, 1912 йил 29 июнь.

<sup>7</sup> Бухоро амирлигининг тузилиши // Бухоройи шариф, 15-сон, 1912 йил 28 март.

йилнинг 2 январида чоп қилинган. Дастлабки 14 та сонига Мирзо Жалол Юсуфзода муҳаррирлик қилган (биринчи сонига муҳаррир ўрнига Мирзо Сирож Ҳаким имзоси қўйилган), ношири К.Левин ҳисобланади. 15-сондан ноширлик “Бухоройи шариф ширкати” ихтиёрига ўтади. Мазкур сондан бошлаб, 21-сонига қадар Мирҳайдархожа Мирбадалов муҳаррир бўлган. 22-сондан 25-сонга қадар Ҳусайн Иброҳимов, 26-сондан то ёпилгунга қадар яна Мирҳайдархожа Мирбадалов муҳаррирлик қилган. “Турон”нинг рукнлари “Бухоройи шариф”ники сингари бўлиб, газета тараққийпарварлик ғояларни тарғиб қилгани, амирликдаги иқтисодий, маърифий, соғлиқни сақлаш соҳалари қоқоқлигини танқид қилгани, босмахона ва молиявий мумаммолар сабабли узоқ умр кўрмади. “Турон” газетасининг бир қатор сонларида Бухоро амирлигининг тарихи, иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий жараёнларга қаратилган мақолалар ҳам ўрин олган<sup>1</sup>.

Бу даврда амирликда рус матбуоти ҳам мавжуд бўлиб, диссертацияда “Бухарский ведомости” чоп этилганлиги, бу газета амирликда истиқомат қилаётган рус посёлка ва манзилгоҳлари аҳолисини янгиликларидан хабардор этишдан иборат бўлган<sup>2</sup>. Ушбу газета асосан Туркистон ва Россия марказий нашрларининг иловаси вазифасини ўтаган ва улардаги мақолаларни ўзгартирмаган ҳолда ўз саҳифаларида эълон қилган. Ушбу газета кенг тарқалмади ва ўз ўқувчилари эътиборини қозонмади.

Хуллас, XX аср бошлари Бухорода даврий матбуотнинг вужудга келиши ва шаклланиши жараёнлари кечиб, матбуот органлари кенг халқ оммаси орасида тарқалмади. Шундай бўлсада, тараққийпарварлик ғояларини тарғиб қилиш, ижтимоий сиёсий онгни ўстириш, дунё ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш, эркинлик ва озодлик ғоялари ўсишида даврий матбуотнинг роли мавжудлигини тарихий далиллар тасдиқлайди.

